

Козокнинг бир мақолида: “Хунарнинг олди – бирлик, ризкнинг боши – тириклик”, - дейлади. Бирлик қандай элда бўлади, қандай қилса тотув бўлади, буни билмайди. Козок бирлик дегани от ўрток, ош ўрток, кийим ўр- ток, давлат ўрток бўлса керак, деб ўйлайди.

Шундай бўлгач, бойликдан нима фойда, каш- шокликдан нима зарар? Огайинлар қуримай, бойлик излашнинг нима кераги бор?

Йўқ, бирлик – ақлга бирлик, молга бирлик эмас. Молингни берсанг, отаси бошқа, дини бошқа, қони бошқалар ҳам тотувчилик қи- лади! Агар тотувчилик молга сотилса, он- турганликнинг боши – шу. Огайин бўлса, олмай тотувлик қилиши керак. Шунда ҳар ким насибасини Худодан тилайди, бўлмаса, Худодан тиламайди, чора изламайди. Авва- ло, бирига бири бало излайди. Ё тусини, ё қиёфасини ўзгартиб, бўлмаса, бир бало қи- либ, ишкилиб, бири-бирини алдашнинг йўлини излашади. Буларнинг қаеридан бир- лик чиқади? «Ризкнинг боши – тириклик», – дейди.

Бу қандай тириклик? Бу жоннинг танадан чикмаганлигимиз? Йўқ, ундай тириклик итда ҳам бор. Бундай тирикликни қиммат баҳола- ган одам ўлимни ёв кўриб, охирага душман бўлади. Жонини асраб, ёвдан қочиб, кўрқок атаниб, меҳнат қилишдан, хизмат қилишдан қочиб, эринчак атаниб, шўрлик атаниб, ҳа- ётда ҳалиги айтилган ризққа душман бўлади. Чинакам тириклик бундай бўлмайди. Кўк- раги, кўнгли тирик бўлса, шуни тирик деб айтади. Ўзинг тирик бўлсанг-да, кўкрагинг ўлик бўлса, ақл топишга сўз уқмайсан. Ҳалол меҳнат билан эринмай, мол топишга гайрат қила олмайсан.

Иллатли, ялқов, найрангбоз,

Текин томок, текин ош.

Сиртдан пишиқ, ичдан нос,

Ортин ўйлаб уялмас

Бўлиб юриб, тирикман дегандан кўра

Аллоҳ юборган ҳақ ўлим ҳукми ортик.